



“Involta” Ilmiy Jurnalni

Vebsayt: <https://involta.uz/>

УДК 336.144

ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШДАГИ МУАММОЛАР

Ғ.А.Ғаниев

ўқитувчи, Наманган Давлат Университети, Наманган, Ўзбекистон

Аннотация:Мақолада бюджет муассалари(халқ таълими тизими)да меҳнатга ҳақ тўлашда тизимида йўл қўйилаётган камчиликлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар:таърифли, тарифсиз, ставкалар, разряд, табел, иш ҳаққи, ишчи-ходим, сертификат, тоифа, таърифкация, таянч ва намунавий ўқув режа

ПРОБЛЕМЫ ОПЛАТЫ ТРУДА В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Г.А.Ғаниев

учитель, Наманганский государственный университет, Наманган,

Аннотация: В статье рассматриваются недостатки в системе оплаты труда в бюджетных учреждениях (системе народного образования).

Ключевые слов: описание, тариф-бесплатно, тарифы, разрядка, вывеска, зарплата, работник-работник, сертификат, категория, описание, базовый план обучения, примерный план обучения

PROBLEMS OF REMUNERATION IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

G. A. Ganiev

teacher, Namangan state University, Namangan, Uzbekistan

Annotation: The article discusses the shortcomings in the system of remuneration of labor in budgetary institutions (public education system).

Keyword: description, tariff-free, rates, discharge, sign, salary, employee-employee, certificate, category, description, basic training plan, approximate training plan

Мавзуни долзарблиги. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш таркибидаги соҳаларни диверсификациялаш даврида таълим тизимини ислоҳ қилиш энг асосий масалалардан ҳисобланади. Таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш мамлакат иқтисодиётини келажакдаги малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш, ҳозирги кундаги асосий масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақилликка эришилгандан кейин таълимни ривожлантириш учун жуда катта эътибор қаратилди. Масалан, давлат ғазнасида ижтимоий соҳа учун қарийб 40% гача даромадлар таълим соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилганлиги ушбу соҳани тадқиқ этишни ва долзарблигини билдиради.

Асосий қисм. Бюджет муассасаларининг таълим тизимида ҳам меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари, тизимлари ва миқдорини, меҳнат натижасига қараб рағбатлантиришни бюджет муассасалари мустақил ўзлари белгилайди. Меҳнат натижаларини муносиб рағбатлантириш мақсадида бундай муассасаларда “Директор жамғарма”лари ташкил этилиб, ушбу фондларда

йиғиладиган маблағлар эвазига рағбатлантиришлар амалга оширилади[3]. Корхона ходимлари иккига бўлинади: *ишчилар ва хизматчилар*. Бюджет муассасларида уларнинг таснифини ҳар йилнинг бошига тузиладиган ва тасдиқланадиган сметаларда ўз аксини топади. Меҳнат бўйича тузиладиган ҳисобот ходимларни раҳбар ходимлар ва техник (ишчи, хизмат қилувчи) ходимларига ажратишни талаб қилади. Корхона ходимларининг ҳисоби кадрлар бўлимида, кадрлар нозири томонидан юритилади. Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, таътилга чиқариш ва ишдан бўшатиш корхона раҳбарининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади. Ходимларнинг ҳар бирига шахсий жилд (папка) очилиб, унда меҳнат битими, меҳнат дафтарчаси, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг кўчирмаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқнинг кўчирмаси ва бошқа ҳужжатлар сақланади. Раҳбар ишга кираётган ходимнинг маълумоти бўйича уни таълим олган муассасасига алоқа хати орқали унинг маълумотини тасдиғини олишга мажбурдир. Агар ишга кирадиган ходим ишга кириш йўлланмаси орқали келса, юқоридаги амални бажариши шарт эмас. Шунингдек, янги ишга кираётган ходим маълумоти тўғрисидаги диплом, диплом иловаларидан ташқари тоифа (разряд, унвон)ни тасдиқловчи сертификат ва унга тенглаштирилган маълумотларни тақдим этиши лозим.

Бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш 2 хил тизимида: *таърифли ва таърифсиз* тизим орқали иш ҳаққи тўланади.

Аксарият халқ таълими муассалари ва ўрта махсус касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларда таърифли ва таърифсиз тизимларда иш ҳақлари молиялаштирилади. Таърификациялар тузилиши орқали ишчи-ходимларни меҳнатига ҳақ тўланади. **Таърификация-** бу турли таъриф ставкалари, турли коэффицент, малака тоифалари ва устамаларни ўзида акс эттирган бир календар йили учун тузиладиган молиявий ҳужжатдир. Иш ҳақи миқдори таърификация бўйича белгиланадиган, яъни, аттестация натижалари

бўйича бериладиган тегишли малака тоифаси мавжудлигига, иш вақтининг ҳақиқий ҳажмига ва бошқаларга кўра белгиланадиган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси штат жадвалларида кўрсатилади ва у раҳбар, бош бухгалтери (бухгалтер) томонидан имзоланадиган таърификация рўйхатидаги меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига мувофиқ бўлиши лозим[2]. Таърификация қуйидагича ташкил топади: тартиб рақами, ишчи ходимнинг исми, шарифи, отасини исми, иш стажи, тамомлаган ўқув юрти, маълумоти бўйича мутахассислиги, малака тоифаси, унга юклатилган фан номи, малака оширган йили, базавий таъриф ставкаси, ўқув соати, педагогик соати, ўқув соати учун ҳисобланган иш ҳаққи, педагогик соати учун ҳисобланган иш ҳаққи, бошқа қўшимча алоҳида бериладиган устама (қишлоқ жойларида аёллари учун спрот машғулотларни ўтганлик учун, компьютер синфига раҳбарлиги, SEFR, TFT сертификатлари учун, ихтисослашган мактабалар учун чуқурлашган фанлар учун бериладиган устамалар), дафтар текшириш соатлари ва унга ҳисобланган иш ҳаққи, синф раҳбарлиги учун ҳақ, ҳар ой берилдаган устамалардан иборатдир. Бу иш ҳақларининг йиғиндиси ишчи (ўқитувчи)нинг бир ойлик ўртача ойлик иш ҳаққи ҳисобланади. Таърификация бир йил муддатга тузилади, зарурий ҳолларда ҳар 6 ойда тузилиши, шунингдек мамлакат миқёсида энг кам ойлик иш ҳаққи ошганда ёки таърифларда ўзгаришлар бўлганда қайта тузилиши мумкин, бошқа ҳолларда уни ўзгартириш таъқиқланади. Таърификациялар тузиш учун асос: умумтаълим мактабаларида-**таянч ўқув режалар**, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда-**наъмунавий ўқув режалардир**. Халқ таълими вазирининг №346-сонли Низоми кўра, умумтаълим мактаблари томонидан тузиладиган тарификациялар марказлашган ҳолда бюджет сўровини амалга оширилиши белгиланган[5]. Тузилган тарификациялар халқ таълими бўлими мудири, бош бухгалтери, бош иқтисодчи, ҳуқуқшунос, кадарлар нозири ва мониторинг бўлими бошлиқлари томонидан имзоланиши белгиланган. Таърификацияда асосий кўрсаткичлардан бири-бу ўқитувчиларга ажратилган дарс соатларидир.

Марказлашган бухгалтерияга умумтаълим мактаблари раҳбарлари томонидан тасдиқланган ҳолда таърификациялар умумлаштирилади. Аксарият ҳолатларда молиявий ҳолатлар ўрганилганда таърификация бўйича камчиликни туман Халқ таълими бўлимига йўналтирилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Фикримизча, таърификация бўйича ишчи ходимларни умумтаълим мактаби директори томонидан меҳнат шартномалари тузилади. Ўқитувчи учун соатлар, гуруҳлар август кенгашида Педагогик кенгаш қарори асосида бириктирилади. Умуман олганда смета ва таърификация мактабларнинг молиявий хўжалик фаолиятини акс эттиради.

Маълумки, ҳозирги кунда Халқ таълими тизимида мутахассис кадрларни излаб топиш ва уларни ўз ўринларида ишлатиш масаласида нуқсонли камчиликларга йўл қўйиб келинмоқда. Ўрганиш давомида шуни аниқландики, айрим умумтаълим мактабларида раҳбарларнинг ҳуқуқий саводхонлигини етарли даражада эмаслиги сабабли номутахассис кадрлардан фойдаланиб келишган. Айрим умумтаълим мактабларида маълумотини тасдиқловчи ҳужжати педагогик фаолиятига мос келмасида, юқори турувчи органлар томонидан чиқарилган меъёрий ҳужжатларга амал қилмаслиги натижасида ўқув соатларини берилаётганлиги, умумтаълим мактабларида сифатли кадрлар тайёрлашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Муаммо.

1. Юқорида айтиб ўтилганидек, халқ таълими тизимида ҳам касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ҳам таърификация тузишда ўқув соатлари учун иш ҳаққи тўланиши база оклади орқали ҳисобланса, унинг бажарилиши ўқув журналларида ўз аксини топади, лекин педагогик соатлар учун меҳнатга ҳақ ўша база оклади асосида ҳисобланади, лекин бажарилиши ҳеч бир расмий ҳужжатларда акс эттирилмай келаётгани ҳеч кимга сир эмас.
2. Номутахассис кадрлардан фойдаланиб ДТС талабларни бажарилаётганлиги таълим ислоҳатлари секинлаштиришга сабаб бўлиши мумкин, чунки таълимда

мутахассис бериши лозим бўлган таълимни номутахассислар бериши ўсиб келаётган ёшлар онгини ривожланишига таъсир кўрсатади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 297-сон ва 920-сон қарорлари ижросини нотўғри амалиётга қўлланишилиш натижасида бюджет маблағлари мақсадли сарфланмаётганидан далолат беради[4]. Масалан, Меҳнат Кодексини **115-моддасига асосан**, ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирк соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда 123-моддасига асосан “ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин (МК 115-118-моддалар)[1]. Бунда ҳисобга олинадиган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлланиш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади” дейилган бўлсада, жамоа шартномаларида ва ички тартиб қоидаларида қўшимча ишлаганлик учун тегишли ўзгаритиришлар киритилмаганлиги сабабли ортиқча юкламалар билан ишлаб келишмоқда.

4. Дафтар текшириш учун қўйилган талабларга мувофиқ, аксарият умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, математика ва геометрия фанларида юклатилган ўқув соатлари миқдорида дафтар текшириш учун ҳақ тўланиб келинаётганлиги, лекин амалиётда “адабиёт”, “литература”, “геометрия” фанларидан дафтарлар айланмаслиги ва уларга ҳақ тўланиши давлат маблағларини нотўғри режалаштириладиганидан дарак беради.

5. Дафтар текшириш соатларини молиялаштирилган ҳақлари ўртача ойлик иш ҳаққи ичида ётганлиги, бажарилмаган ишлар учун ойлик маош тўланишига

сабаб бўлмоқда. Масалан, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқув жараёни графиги 25 майда тугагини инобатга олинса, дафтар текширганлик ҳаққи июн, июл ва август ойларида ҳисобланадиган иш ҳаққи ичида ётиши бажарилмаган иши учун ҳақ тўлаш таркибига ўтиб қолмоқда.

6. Синф раҳбарлиги учун тўланадиган иш ҳаққи ҳам июн, июл ва август ойларида ҳисобланадиган иш ҳаққи ичида ётиши бажарилмаган иши учун ҳақ тўлаш таркибида бўлади.

Хулоса.

Юқорида айтиб ўтилганидек, 1-муаммо бўйича халқ таълими, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда иш ҳаққи тўлаш учун таърифли режалардан эмас окладли иш ҳаққига ўтишини тавсия қилинади. Чунки ишчи ўзига юклатилган ҳафталик ўқув соатларини албатта бажаради, айрим ҳолларда сабабли ва сабабсиз ишга келмаган ҳолларда тузиладиган табелдан тушириб кам ёзилишини ўзи кифоя қилади.

Номутахассис кадрлардан фойдаланиб, ДТС талабларни бажарилаётганлиги масаласида Argos.uz тизими орқали муассасалар педагоглари синовдан бир марталик ўтишини таъминлаш масалага ойдинлик киритиб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 297-сон ва 920-сон қарорлари ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган СанПиН нормаларига ва Меҳнат қонунчилиги талабларига катъий риоя қилиниши кифоя қилади.

Дафтар текшириш муаммоси бўйича қўшимча тўловларни бекор қилиб, ойлик оклад суммаси таркибига қўшилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикаси 21.12.1995 й. 161-И-сон Қонуни билан тасдиқланган 01.04.1996 й. дан кучга кирган

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 920-сон [“Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар”](#)”.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сонли “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизми ҳамда давлат молия назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги” қарорига мувофиқ Халқ таълими вазирининг 2017 31 октябрдаги №346-сонли “Туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари тўғрисидаги” Низоми.